

“Ипотека-банк” АТИБ  
Кузатув кенгаши томонидан  
МАЪҚУЛЛАНГАН  
(2016 йил 21 ноябрдаги  
73-сонли баён)

“Ипотека-банк” АТИБ  
Акциядорлари умумий  
йиғилишининг қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН  
(2016 йил 5 декабрдаги  
23-сонли баён)

**“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ  
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИГА КИРИТИЛГАН  
ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

## **“Ипотека-банк” АТИБ Акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар**

### **1. 1.6.-банддан кейин янги 1.6.<sup>1</sup>-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:**

1.6.<sup>1</sup> Банк акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга ёзма талабига асосан, йиғилиш кун тартиби, шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этиши мумкин.

### **2. 2.1.-бандининг 23-чи хатбошидан кейин янги хатбош киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:**

- Банк Бошқаруви ва Кузатув кенгаши томонидан ишлаб чиқилган 5 йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган банкнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

### **3. 3.7.-банддан кейин янги 3.7.<sup>1</sup>-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:**

3.7.<sup>1</sup> Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк Бошқаруви, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, аудиторлик ташкилоти вакилининг иштирок этиши имкон қадар таъминланади.

### **4. 3.25.-банддан кейин янги 3.26. ва 3.27. - бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:**

3.26. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда ўзларининг биргаликдаги позицияларини шакллантириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорлик битимини тузишлари мумкин.

3.27. Банкда миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда, ушбу қўмитани таъминлаш харажатлари банк маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

### **5. 7.3. - банди қуйидагича баён қилинсин:**

7.3. Йиғилиш раиси йиғилиш президиумига раҳбарлик қилади, йиғилишнинг боришини бошқаради, йиғилиш ишчи органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, масалалар муҳокамаси тартибини белгилайди, маърузачиларнинг сўзга чиқиш вақтини чегаралайди, йиғилиш бориши ва овоз бериш тартибига тушунчалар беради, залда тартиб сақланишини назорат қилади. Йиғилиш раисига акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги

трансляциясига рухсат бериш ваколати берилади.

**6. 7.6.-банддан кейин янги 7.6.<sup>1</sup>-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:**

7.6.<sup>1</sup> Санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун банк шартнома асосида мустақил экспертларни (инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчисини) жалб этиши мумкин.

**7. 8.6.-банддан кейин янги 8.6.<sup>1</sup> ва 8.6.<sup>2</sup> - бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:**

8.6.<sup>1</sup> Акциядорлар умумий йиғилишида тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг банк дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини банкни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланиши акциядорларга бериладиган тарқатма материалларда акс эттирилади ва йиғилишда ўқиб эшиттирилади.

8.6.<sup>2</sup> Бошқарувнинг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласи акциядорларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниши таъминланади.

**8. 8.11.-банддан кейин янги 8.11.<sup>1</sup>-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:**

8.11.<sup>1</sup> Банк акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга (акциядорга ёки унинг ишончли вакилига) шу шахс ҳисобидан у йиғилишда ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконини беради.

**9. XI-бобдан сўнг янги XI<sup>1</sup>-боб “Акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик” ва 11.79.<sup>1</sup>, 11.79.<sup>2</sup>, 11.79.<sup>3</sup> – бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:**

11.79.<sup>1</sup> Акциядорларга банк билан боғланишни енгиллаштириш мақсадида, ёзма ва электрон сўровларни, шу жумладан, акциядорлар ўз алоқа маълумотлари ва банк реквизитларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни банкнинг корпоратив веб-сайтидаги “Акциядорлар ва инвесторларга” бўлимида кўрсатилган электрон почта манзилларига юбориш имконияти яратилади.

11.79.<sup>2</sup> Акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларини банкнинг Қимматли қоғозлар бошқармаси

мувофиқлаштириб боради.

11.79.<sup>3</sup> Банкда барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил муносабат таъминланади.